2012 йил 3 август, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 153 (12.214)

Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## СУД ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИ ТУБДАН ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қонун ва қонунчилик устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган, давлат ҳокимиятининг ғоят муҳим тармоғи бўлган суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич демократлаштириш ва эркинлаштириш ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва модернизация қилиш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган узоқ муддатли ва изчил ислоҳотлар дастурининг энг муҳим устувор йўналиши ҳисобланади.

Ўтган йиллар мобайнида қабул қилинган қонунлар, хусусан, «Судлар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ҳокимият тармоқларининг бўлиниши конституциявий принципини амалга ошириш, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, уни ўтмишдаги қатағон ва жазолаш қуролидан қонун ҳимоясида турадиган чинакам мустақил институтга айлантириш борасида миқёси ва кўламига кўра улкан ишлар олиб борилмоқда.

Суд кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйишнинг замонавий демократик тамойилларга асосланган тизими яратилди, бунда асосан жамоатчилик асосида фаолият юритадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси муҳим роль ўйнайди.

Шу билан бирга, ривожланган демократик давлатларнинг тажрибаси ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича ўтган давр давомидаги ишларнинг танқидий таҳлили шундан далолат берадики, суд органларининг давлат бошқарувидаги роли ва аҳамияти янада оширилишини таъминламасдан, уларнинг ваколатлари ва мустақиллигини кучайтирмасдан туриб мамлакатни сиёсий ҳамда иқтисодий янгилаш ва модернизация қилишда муваффақиятга эришиб бўлмайди.

Айни шу боисдан 2010 йилнинг 12 ноябрида қабул қилинган ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида зикр этилган муаммоларни ҳал этишга, шу жумладан, суд ишларини мустақил юритиш ва суд органлари ходимларининг ижтимоий мақомини муҳофаза қилиш учун зарур ҳуқуқий ва социал кафолатларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Қўйилган мақсадларни амалга ошириш учун:

1. 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб:

умумий юрисдикция судлари (ҳарбий судлардан ташқари) ва хўжалик судлари судьяларининг Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнат ҳақи разрядлари 1-4-иловаларга мувофиқ;

Конституциявий суд, умумий юрисдикция судлари (ҳарбий судлардан ташқари) ва хўжалик судлари судьялари ҳамда мазкур суд идораларининг мансаб даражасига эга бўлган ходимларининг алоҳида меҳнат шароитлари учун лавозим маошларига ойлик устама ҳақ миқдори 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Конституциявий суд, умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судларининг судьялари хизмат вазифаларини бажаришлари муносабати билан оладиган даромадлари жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ тўловидан озод қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда:

судьяларга имтиёзли шартлар асосида уй-жой сотиб олиш учун узоқ муддатли ипотека кредитлари беришни, шунингдек, тураржойлар ижараси учун ҳар ойда пул компенсацияси тўлаб боришни назарда тутадиган тартибни тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди билан келишилган ҳолда Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастурини тасдиқласин;

судларнинг таркибий тузилмасида ахборотлаштириш масалалари бўйича алоҳида бўлинмалар ташкил қилиш тўғрисида таклифлар киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Адлия вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда фуқаролик ишлари бўйича судлар судьяларининг мавжуд иш юкламасини, туманлараро судларнинг ўзларига бириктирилган ҳудудларга нисбатан қанчалик олисда жойлашганини ўрганиб чиқсин ҳамда фуқаролик ишлари бўйича судлар тизимини оптималлаштириш бўйича таклифлар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар тайёрласин. Бунда судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланган (сайланган) шахсларнинг тегишли равишда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судида мажбурий тайёргарлик ва стажировка ўташлари назарда тутилсин.

5. Ушбу Фармонни амалга ошириш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ҳамда Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

икки ой муддатда юридик таълимни янада такомиллаштириш ва ҳуқуқшунослик фанини ривожлантириш, замонавий талабларга жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини ошириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини кўриб чиқиш учун киритсин;

бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси вазифасини бажарувчиси Б.А.Коканбаев зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти**
**И. КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2012 йил 2 август*

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



**Ватан ҳимояси — муқаддас бурч**

## АКАДЕМИЯ БИТИРУВЧИЛАРИГА ДИПЛОМ ТОПШИРИЛДИ

***Марказий офицерлар саройида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясининг навбатдаги битирувчиларига диплом ва кўкрак нишонлари топширилди.***

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, генерал-лейтенант Қ.Бердиев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз хавфсизлиги, барқарорлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш бўйича тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир, замонавий, ҳаракатчан, ҳар томонлама пухта қуролланган армияни ташкил этиш бўйича улкан ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Миллий армиямиз учун профессионал, юксак маънавиятга эга офицер ва сержантларни тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу Қуролли Кучлар таркибини сифат жиҳатдан янгилаш, бугунги кун талабларига жавоб берадиган, пухта тайёргарликка, тезкор фикрлаш ва қарор қабул қилиш қобилиятига эга командирлар билан тўлдириш имконини бераётир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 1994 йилда ташкил этилган Қуролли Кучлар академияси мамлакатимиздаги етакчи олий ҳарбий таълим муассасаси бўлиб, олий қўмондонлик таркибидаги офицерларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, мудофаа қурилиши соҳасидаги илмий-амалий тадқиқот ва ишланмаларни мувофиқлаштириш, ҳарбий таълимни ривожлантириш каби устувор вазифаларни амалга ошириб келмоқда.

Академия замонавий таълим жиҳозлари, жумладан, моделлаштириш ва симуляция воситалари, компьютер техникаси билан тўла таъминланган. Тингловчиларга юксак даражадаги профессионал билим ва кўникмаларга, педагогик ва профессионал ҳарбий малакага эга, замонавий ўқув-тарбия ишларининг шакл ва усулларини пухта эгаллаган тажрибали мутахассислар машғулотлар ўтади. Соҳадаги ислоҳотлар самарасида ўқиш ва амалий машғулотлар жараёни йилдан йилга такомиллашиб бормоқда.

– Академияда ўқув ва тактик-амалий машғулотларда орттирган билим ва тажрибамизни энди армиямиз салоҳиятини янада ошириш йўлида сафарбар этамиз, – дейди подполковник Равшан Абдиев. – Миллий армиямизни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасида кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун Президентимиздан миннатдормиз.

**З.ЖОНИБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири**

***Тошкент авиасозлик касб-ҳунар коллежининг 16 нафар ўқувчиси «General Motors Power Train Uzbekistan» қўшма корхонаси ёпиқ акциядорлик жамияти томонидан эълон қилинган танловда ғолиб чиқди ва ушбу корхонада ишга жойлашиш имконига эга бўлди.***

**«Коллеж – ўқувчи – корхона»**

## КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ САМАРАЛИ ТИЗИМИ

– Тошкент авиасозлик касб-ҳунар коллежи мамлакатимизда ташкил этилган ушбу йўналишдаги дастлабки ўқув муассасаларидан биридир, – дейди коллеж директори З.Ғаниев. – У 1998 йил Тошкент авиация-техника лицейи негизида очилган бўлиб, 2002 йилда авиация билим юрти билан бирлаштирилди. Ҳозир коллежимиз Ўзбекистонда авиация соҳаси учун мутахассислар тайёрлаб берадиган ягона ўрта махсус таълим муассасаси ҳисобланади.

Коллежда ўқувчилар давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг давлат таълим стандартларига мувофиқ 9 йўналишда белгиланган ўқув режалари бўйича уч йил ўқитилади. Бу ерда учиш аппаратлари, уларнинг двигателлари, авиаприборлари, радио ва электр ускуналарига техник хизмат кўрсатадиган авиация техниклари, металлга ишлов берувчи, пайвандлаш конструкцияларини ишлаб чиқарувчи механиклар, электр станциялар, электр асбоб-ускуналар, электр тармоқларни монтаж қилиш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш бўйича техник-электриклар, компьютер дастурий таъминоти ва компьютер ускуналари техниклари тайёрланмоқда. Жорий йилда коллежни 471 ўқувчи тамомлади ва уларнинг барчаси билан уч томонлама шартномалар тузилди.

Таълим муассасасида юқори малакали мутахассисларни ўқитиш учун барча шарт-шароитлар, биринчи навбатда – кучли моддий-техника базаси яратилган. Коллежда замонавий ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари, компьютер, спорт ва тренажёр заллари, 100 минг нусхадан ортиқ дарслик ва адабиётлардан иборат китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази бор.

*(Давоми 2-бетда)*

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **БУГУН** Маънавият тарғибот маркази Олмазор туман бўлими томонидан тумандаги 24-умумтаълим мактабида «Эски шаҳар», Ҳофиз Кўҳакий, Исмоил Шоший маҳаллаларида истиқомат қиладиган аҳоли ўртасида «Энг катта бойлигимиз тинчлик ва барқарорлик» мавзуида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

✓ **КЕЧА** Бектемир туманидаги Абай, «Бектемир» маҳаллаларида туман хотин-қизлар қўмитаси томонидан хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

✓ **КЕЧА** Маънавият тарғибот маркази Шайхонтоҳур туман бўлими томонидан «Равнақбанк» ХОАТБда «Ўзбекистон тинчлигига хавф солаётган диний экстремистик ва террористик оқимлар фаолияти», «Миссионерлик фаолияти келтириб чиқариши мумкин бўлган фалокатли оқибатлар» мавзуларида тадбир ўтказилди.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида Президентимизнинг шу йил 16 июлда қабул қилинган «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботлар, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**

**● Гулистон шаҳрида ишбилармонлар ҳамда тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган жисмоний шахслар ўртасида ижтимоий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган «Бир тадбиркор — учта ҳамкор» лойиҳасининг Сирдарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. Тадбирда соҳа вакиллари томонидан бизнесни йўлга қўйишга қаратилган кўргазма ташкил этилиб, якунда 24 та келишув шартномаси имзоланди.**

**● «Қорақалпоқ қишлоқ хўжалик сув тармоқлари» тресги қурувчилари томонидан Беруний туманидаги «Навоий» ва «Шобоз» овулларида ҳар бирининг қуввати 500 кубометр сиғимга эга иккита замонавий сув тақсимлагич қурилиб, фойдаланишга топширилди. Натижада бу ерда истиқомат қилаётган 2 мингга яқин аҳолининг тоза ичимлик суви таъминоти яхшиланди.**

**● Уйчи туманидаги 16-умумтаълим мактабида инновацион технология — қуёш нури ёрдамида электр энергияси ҳосил қилувчи мини қурилма ишга туширилди. Европа Иттифоқи ва БМТ Тараққиёт дастурининг «Фарғона водийсида аҳоли турмуш даражасини ошириш лойиҳаси» доирасида барпо этилган мазкур қурилма ёрдамида ҳосил қилинган электр қуввати кучидан синфхоналарни ёритиш, компьютер ва бошқа асбоб-ускуналарни ишлатишда фойдаланилмоқда.**

### ЖАҲОНДА

**● Аҳолиси йигирма миллиондан зиёд Мексика пойтахти чўкиб бормоқда. Мехикода йирик геологик ҳавза қурилиши бунга сабаб бўлган. Сўнгги пайтларда пойтахт кўчаларида кўплаб чуқур жарликлар пайдо бўлаётир. Маълумотларга кўра, XIX асрнинг охирларидан буён шаҳар ери қарийб ўн беш метрга чўккан. Соҳа мутахассислари Мехикодаги тўрт юзга яқин ҳудудни хавфли зона деб эълон қилди. Уларнинг айтишича, агар зарур чоралар кўрилмаса, минглаб тураржой бинолари вайрон бўлиши, одамлар ҳаёти хавф остида қолиши мумкин.**

**● Германиянинг «Fraunhofer» тадқиқотлар институти олимлари дунёдаги энг кичик видеокамерани яратди. Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг ёзишича, унинг узунлиги бир миллиметр, тасвирга олиш ҳажми 0,06 мегапиксель, квадрат матрицаси эса 250 пикселга тенг. Олимларнинг айтишича, ушбу видеокамерадан авиасозлик, машинасозлик соҳалари ва тиббиёт техникаси маҳсулотларида фойдаланиш мумкин.**

**● Ироқ пойтахти Бағдодда рўй берган портлашлар оқибатида ўндан зиёд одам бевақт ҳаётдан кўз юмди ва ўттизга яқин одам жароҳатланди. Мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакилларининг таъкидлашича, шаҳар марказида содир бўлган бахтсиз ҳодисаларга йўл ёқасидаги автомобилларга портлаш мосламалари ўрнатилгани ва ҳаракат гавжум вақтда қурилмаларнинг ишга туширилгани сабаб бўлган.**

**● Япониянинг Канагава туманидаги тўйхоналарнинг бирида торт ўрнига дастурхонга улкан денгиз балиғи тортиш урфга кирди. Энди келин-куёв тўйхонага йиғилган меҳмонларни «тўй балиғи» билан сийлайди. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, Хонсю оролида жойлашган ушбу туман аҳолиси ғайриоддий анъаналари билан ажралиб туради. Маълумотларга кўра, бир неча кун аввал бўлиб ўтган ёш жуфтликнинг никоҳ тўйида дастурхон 100 килограммлик балиқ билан безатилган.**

# ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТЛАРИ — ФАРОВОНЛИКНИ ОШИРИШ ГАРОВИ

***Президентимизнинг яқинда қабул қилинган «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари мамлакатимизда бозорислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, рақобатни кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни рағбатлантириш борасида олиб борилаётган изчил чора-тадбирларнинг давоми бўлди.***

Бу муҳим ҳуқуқий ҳужжатлар бозор муносабатларини халқаро меъёрлар ва стандартларга мос равишда яратишга хизмат қилади.

Куни кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Марказий банк томонидан ўтказилган «Истеъмол кредитлари аҳоли фаровонлигини ошириш гаровидир» мавзуидаги матбуот анжуманида ҳам айнан шу ҳақда сўз борди. Унда юртимизда фаолият олиб бораётган хусусий банклар раҳбарлари, журналистлар иштирок этди.

Таъкидлаш ўринлики, кейинги пайтларда банклар томонидан мижозлар билан ўзаро манфаатли муносабатларни юқори савияда ташкил этишга катта эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида кўрилган чора-тадбирлар туфайли банкларнинг кичик бизнес субъектлари ва аҳолига ажратаётган истеъмол кредитлари йил сайин ортмоқда. Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, мамлакатимиз банклари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 2 триллион 9 миллиард сўм ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 баробар кўп кредит ажратган. Мазкур соҳага ажратилган кредитлар республикамиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш, таркибий ўзгаришлар жараёнларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни диверсификация қилишга сезиларли таъсир кўрсатди. Шу билан бирга, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини изчил оширишга хизмат қилмоқда.

Жамият фаровонлигининг ўсиши истеъмол кредитларига бўлган талабни ҳам оширмоқда. Банклар томонидан ўтган олти ой ичида 87 млрд. сўм ҳажмида истеъмол кредитлари ажратилди.

Президентимиз томонидан тасдиқланган «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, айниқса, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш орқали аҳоли фаровонлигини ошириш вазифаси илгари сурилган. Ҳозирги пайтда тижорат банклари оилаларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида, уларга шаҳарлар, туман марказлари ва шаҳар посёлкаларида 2012-2013 йилларда 100 та уй-жой қурилиши лойиҳасини амалга оширмоқда.

Ёш оилалар фаровонлигини ошириш мақсадида энг кам иш ҳақининг икки юз баробари миқдорида уч йил муддатга истеъмол кредитлари берилмоқда.

Жумладан, анжуман давомида Вазирлар Маҳкамасининг «Оилаларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан, тижорат банклари маҳаллий маиший техника ишлаб чиқаришнинг ишлаб турган қувватларини кенгайтиришга, оилаларга узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни истеъмол кредити сифатида беришга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошираётгани ҳақида сўз юритилди. Жорий йилда электр-маиший техника товарлари сотиб олиш учун аҳолига 30 млрд. сўмлик истеъмол кредитлари ажратилди. Мазкур кредитлар энг кам иш ҳақининг 50 баробаригача миқдорда 3 йилгача бўлган муддатга берилади.

Шунингдек, тадбирда кичик бизнес ривожи учун яратилаётган имкониятлар, хотин-қизлар тадбиркорлиги ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш, ёшларни тадбиркорликка жалб қилишда банк кредитларининг аҳамияти ҳақида ҳам сўз юритилди.

Таъкидлаш ўринлики, тижорат банклари ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, мижозлар учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш, уларга хизмат кўрсатиш савиясини янада ошириш, фаолиятини халқаро амалиётда синовдан ўтган тажрибалар ва стандартлар асосида ташкил этган ҳолда мижозларнинг ишбилармонлик имкониятларини ҳамда турмуш фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшиб боравериди.

**Зиёда РАСУЛОВА**



# КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ САМАРАЛИ ТИЗИМИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Битирувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ва кейинчалик ишга жойлашишини ташкил қилиш, «корхона-коллеж» ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, ўқувчиларни маълум иш жойига бириктириш коллежнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Шу мақсадда коллеж ўқувчилари учун истиқболли ишлаб чиқариш корхоналари топилиб, улар билан икки томонлама шартномалар тузилмоқда. Ўқувчилар амалиёт пайтида ўзининг назарий ва амалий билимлари, меҳнат имкониятлари ва салоҳиятини намойиш этса, уч томонлама шартнома тузиш имконига эга бўлмоқда. Бу йил ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган 471 битирувчининг 300 нафардан ортиғи «Uzbekistan Airways technics» авиация корхонаси, «Электроаппарат–электрошчит» қўшма корхонаси очиқ акциядорлик жамияти, «Сувмаш», «Ўзпахтамаш» очиқ акциядорлик жамиятлари, «General Motors Power Train Uzbekistan» қўшма корхонаси ёпиқ акциядорлик жамияти, «Восток» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси каби фирма ҳамда ташкилотлар билан уч томонлама шартнома тузди.

Коллежнинг 88 нафар ўқитувчиси бу ерда ўқувчиларнинг юқори савияда билим олиши ва касбга тайёрланишини таъминламоқда. Уларнинг 22 нафари ишлаб чиқариш устасидир.

– Амалий машғулотлар ўқитишнинг муҳим босқичи ҳисобланади, – дейди Тошкент авиация касб-ҳунар коллежининг катта устаси Радион Исанов. – Бу босқичда назария амалиёт билан боғлиқ ҳолда ўқитилади. Ҳар бир ўқувчи амалий иш кўникмаларига эга бўлиши керак ва бунинг учун коллежимизда Осиё тараққиёт банки кўмагида замонавий ускуналар билан таъминланган ишлаб чиқариш устахоналари мавжуд. Негаки, битирувчилар келажакда шундай ускуналар билан ишлайди.

Коллеждаги ўқув лабораториялари ҳам ўқувчиларга танлаган касби сир-асрорларини пухта эгаллашга ёрдам берадиган электрон стендлар билан жиҳозланган. Бунда ҳар бир ўқувчи мустақил ишлашни бошлашдан аввал техника хавфсизлиги бўйича кўрсатмалар олади. Бундан ташқари, уларга жамоада ишлаш кўникмалари ҳам ўргатилади. Бу эса келажакда уларга катта фойда бериши шубҳасиз.

Коллеж педагоглар жамоаси билан ҳақли равишда фахрланади. Масалан, Жамол Эшмирзаев 2010 йилда «Энг яхши ишлаб чиқариш устаси» республика танловида металлга ишлов бериш бўйича биринчи ўринни эгаллаган.

Ўқувчи Темур Носиров эса «General Motors Power Train Uzbekistan» қўшма корхонаси ёпиқ акциядорлик жамияти томонидан эълон қилинган танлов ғолибларидан биридир.

– Танловда ғолиб бўлганимдан хурсандман, – дейди Темур. – Ҳозир мен «General Motors Power Train Uzbekistan» қўшма корхонаси ёпиқ акциядорлик жамиятида меҳнат қилмоқдаман. Бундан аввал касбий тайёргарлик бўйича тест синови ва суҳбатдан ўтдим. Ҳафтада икки марта корхонада энг тажрибали ва малакали мутахассислар томонидан ўтказилган машғулотларда қатнашдик. Коллежда эгалланган касб кўникмалари ва назарий билимлар, шунингдек, ишлаб чиқариш амалиёти корхонада меҳнат фаолиятимни бошлашда асқотди. Келажакда ҳақиқий мутахассис бўлиш, ўз малакамни оширишни истайман ва бунинг учун институтга кириб, ўқишни давом эттирмоқчиман.

Мамлакатимиз ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари меҳнат бозори талабларини инобатга олган ҳолда, иқтисодиётнинг реал секторлари, шунингдек, кичик бизнесни малакали, яхши тайёрланган, замонавий билимларга эга ҳамда ишга ижодий ёндашадиган ташаббускор кадрлар билан таъминлашга ёрдам бермоқда. Бу йил коллежларни тамомлаган битирувчилар, шубҳасиз, иқтисодиётнинг барча жабҳаларида муносиб ўрин эгаллайди. Бу эса ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида кадрларни ўқитиш ва тайёрлаш юксак савияда ташкил этилганидан далолатдир.

**Р.БОНДАРЧУК,**
**ЎзА мухбири**

Янгиликлар

## ЭНГ НУФУЗЛИ АВТОБУСЛАР

***Автобус ишлаб чиқарувчи компаниялар орасида «ЭвоБусГмбХ» корхонаси ҳам бор. Бу компания томонидан чиқарилаётган «Мерседес»лар энг чидамли, тежамли, экологик жиҳатдан ҳам энг тоза автобуслар ҳисобланади.***

Маълумот учун шуни айтиш ўринлики, 2008 йил бошида «Тошшаҳартрансхизмати» уюшмаси ва Германиядаги «ЭвоБусГмбХ» компанияси ўртасида 200 та «Мерседес-Бенц» русумли автобуслар харид қилиш тўғрисида шартнома имзоланган эди.

Режадаги «Мерседес»лар ўз вақтида пойтахтимизга олиб келинди. Ушбу транспорт воситалари олдинги автобусларга нисбатан замонавий кўриниши, ҳайдовчилар учун бошқарув тизимининг қулайлиги билан ажралиб туради. Айни вақтда барча тизимларни электроника орқали текшириш, назорат қилиш имкониятлари бор. Автобуслар бошқарувида автобус борт компьютери ўрнатилган бўлиб, у ҳайдовчиларни барча тизимларнинг техник ҳолати, ишлаш жараёни бўйича огоҳлантириб туради. Яна қулайлик томони шундаки, двигатель тизимини совутиш ва ҳаво тизимлари двигатель осмалари, ҳаво фильтрлари каби мосламаларга ўрнатилган. Автобусларнинг пол қисми пастлаштирилган турдаги транспорт бўлгани учун йўловчиларнинг унга чиқиб тушиши, юк ва махсус аравачаларни ортиш учун қулай қилиб ишланган.

Бинобарин, автобуслар сўнгги ютуқлар асосида йўловчиларга хизмат кўрсатиш учун ишлаб чиқарилган.

## ОЛИМЛАР ИЗЛАНИШЛАРИ ЗАМОНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАРДА

***«Академасбоб» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси Ўзбекистон Фанлар академиясининг тадқиқотлар бўйича асосий таркибий қисмларидан биридир. Бугунги кунда бирлашма таркибида бир нечта лаборатория, конструкторлик бюроси, тажриба ишлаб чиқариш бўлими фаолият кўрсатмоқда.***

«Асбобсозлик» йўналиши бўйича бажарилаётган изланишлар айниқса, яхши натижа бермоқда. Қуввати ўзгарувчан турли технологик лазер қурилмалари яратилди. Кичик габаритли материалларга ишлов берувчи ион-плазма сочилиш қурилмасидан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Тошкент метрополитени буюртмаси билан ҳаракатдаги поездлар учун бортли телемеханик тизим жорий этилди. Газ ва сув металл қувурларини коррозиядан сақлаш учун қатор ҳимоя станцияси фойдаланишга топширилди. Уруғлардан ёғ олиш учун универсал кичик корхона лойиҳаси устида ҳам изланиш олиб борилди. Тиббиётда ишлатиладиган лазер асбоби эса энг яхши ихтиро деб баҳоланди. Ишлаб чиқарилаётган бу каби қурилмалар Фанлар академияси олимлари изланишларини саноат асосида оммалаштириш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

## ПАТЕНТЛАНГАН ОЁҚ КИЙИМИ

***Республика Давлат патент идораси яна бир лойиҳани ижобий баҳолади. Электр токини ўтказувчи пойабзал айни вақтда энг яхши ихтиро деб топилди.***

Илгари мамлакатимизда электр токини ўтказадиган пойабзал ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган эди. Бинобарин, бу ўз навбатида тез алангаланувчи моддаларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ корхоналарнинг иш унумига салбий таъсир кўрсатарди. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти олимлари томонидан яратилган бу лойиҳадан эндиликда пойабзал корхоналарида якка ҳимоя воситаси сифатида фойдаланилмоқда. Янги пойабзал корхона ишчиларини баданларида статик электр зарядлари йиғилиб қолишидан ҳимоя қилади. Бу зарядлар ток ўтказувчи пойабзал орқали ташқарига чиқариб юборилади. Бинобарин, унинг асосий патаги ток ўтказиш хусусиятига эга тўқима материал билан қопланган. Бу материал эса металлга ўхшаб ток ва ҳавони яхши ўтказади. Муҳими, у енгил, мустаҳкам, иссиққа, ишқаланиш ва ейилишга чидамли, сифати ҳам талаб даражасида. Шу боис ток ўтказувчи пойабзалга бўлган талаб ортиб бормоқда.

**Акбар АЛИЕВ**

Транспорт

# МАҚСАД САРИ ИНТИЛИБ

***Ўтган йил, жорий йил ва келгуси йил темирйўлчилар учун авлодлар алмашинуви йиллари сифатида эсда қолади. Мустақилликнинг дастлабки йилларида бу соҳа бошқарувини ўз қўлига олган авлод бугунги кунда ўз ўрнини кейинги авлодларга бўшатиб бермоқда.***

«Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖ нинг маркетинг, айниқса, кадрлар хизматлари шуни яхши англамоқдаки, бу ўринда йўловчиларга хизмат кўрсатиш бўйича эришилган юқори даражани сақлаш баробарида темирйўл тараққиётига туртки берувчи янгиликларга қўл уришнинг пайти келди.

«Ўзтемирйўлйўловчи»нинг давлатлараро ва маҳаллий йўналишлари бўйича филиаллари жойлашган ВЧД-2 да ушбу фикрни биринчи бўлиб Ўзбекистон Республикасининг фахрий темирйўл ходими, № 5/6 «Тошкент – Москва – Тошкент» поездининг таниқли бошлиғи Султонхўжа Маърифхўжаев билдирган эди. Турли даражалардаги йиғилишларда у бир неча бор шунга эътибор қаратган эдики, ҳар қандай лавозимга номзод кўрсатишда шахснинг ватанпарварлигига, унинг темирйўлчилар сулоласига мансублигига, техник даражасига ва доимий ўқиб-ўрганишга тайёр эканлигига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Бу тасодифий омиллар тўплами эмас, улар одамни аниқ мақсад томон руҳлантиради, йўлдан оғиб кетишига йўл қўймайди.

Шу сабабли «Ўзтемирйўлйўловчи»нинг кадрлар ходимлари бугунги кунда номзодларнинг ҳужжатларини синчиклаб ўрганмоқда, айни пайтда муайян шахс бу соҳага тасодифан кириб қолмаганлигига эътибор қаратишмоқда.

Уч ойдирки, «Тошкент – Екатеринбург – Тошкент» йўналиши бўйича йўл кузатувчилари бригадасига Акмалжон Холмирзаев бошчилик қилмоқда. Қарийб ўн йил давомида Акмалжон Андижон вагон депосида (ВЧД-5) энг қуйи вазифаларда ишлаб кўтарилган. Маълум бўлишича, унинг отаси 41 йил давомида шу соҳада меҳнат қилган республиканинг фахрий темирйўл ходими Анвар Холмирзаевнинг истаги ана шундай бўлган экан. Кўп йиллар давомида у ўша вақтлардаги машҳур 33-сонли «Андижон – Москва – Андижон» йўналишида бригада бошлиғи бўлиб ишлаган. Ота ўғлини ўз бригадасига ишга олмай, шаҳар атрофи ва маҳаллий йўналишлар фаолияти билан яқиндан танишиб, барча қийинчиликларни ўз бошидан ўтказиб, синаб кўришига имконият яратган.

Акмал Холмирзаев узоқ ўлка – Уфа шаҳрига сафарга ўз юртдоши Бахтиёр Ашрабиев бошчилигида чиққан. У ўзини яхши ижрочи, ниҳоятда интизомли, камтарин ва одобли инсон сифатида кўрсата олган. Айни пайтда кадрлар хизмати ходимлари унинг шахсиятига эътибор қаратишди. Маълум бўлишича, унинг ҳам ота, ҳам она томонидан боболари йўл кузатувчиси бўлиб ишлашган экан.

Уларнинг меҳнат стажини қўшиб ҳисобласа... 85 йилни ташкил этар экан. Нафақат шаҳрида, балки республикада машҳур бўлган ана шундай боболарнинг юзини ерга қаратиб бўладими? Шу сабабли 35 кишилик йўл кузатувчилари жамоасини бошқариш таклифига у лўнда қилиб жавоб берди: «Ишончингизни оқлайман».

Янги бошлиқ янгиликларни жорий қила бошлашдан аввал, эскичасига ишлаётган айрим тартибсиз ходимларнинг жавобини берди.

Холмирзаевларга хос қатъият билан ходимларидан ишда, поездда нафақат оддий йўл кузатувчи, балки меҳмондўст соҳиб бўлишни талаб қилди. Зеро, вагон Екатеринбург ҳудудига етиб борса ҳам, жамоа мустақил Ўзбекистон вакилларидир.

— Бизнинг дунёқарашимиз шундайки, ҳар доим қарига ҳам, ёшга ҳам ёрдамга шай бўлишимиз лозим, — дейди Акмал Холмирзаев. — Айни пайтда, кўп болали, ҳомиладор аёлларга, ногиронларга вагонга кириш ёки чиқишда, юкларни жойлаштиришда бевосита амалий ёрдам кўрсатиш зарур. Бегона бир жойда йўловчи дорига чиқиб келиши зарур бўлса – бу ҳам сенинг ташвишинг, вазифанг, керак бўлса, бурчинг. Ҳатто олиб кетилаётган мол-мулк ва товарларга декларация тўлдиришда ҳам сенинг ёрдаминг керак.

Шуниси диққатга сазоворки, янги бригадирнинг қатъий тартиб-қоидалари бутун соҳа ходимлари орасида тилга тушди. Яна ҳам ҳайратланарлиси, қўшни бригадалар йўл кузатувчиларининг А. Холмирзаев бригадасига ўтиб ишлашга қизиқиши ортди.

Ҳаммага аёнки, қонунга мувофиқ, талабчанлик ва интизом руҳида ишлаш ва яшаш нафақат қулай, балки моддий жиҳатдан ҳам манфаатлидир. Мана шундай тарзда фаолият юритган киши, у қайси вазифада ишламасин, ҳеч қачон ютқазмайди.

**Марат НОСИРОВ**

